



# FAN, TA'LIM VA AMALIYOT INTEGRATSIYASI

ISSN: 2181-1776

Адизов Шавкат<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Ўзбекистон - Финландия педагогика институти магистранти

ТАРИХ КУРСЛАРАРО БОҒЛИҚЛИКНИНГ ТАМОЙИЛЛАРИ

**Аннотация:** Мазкур мақолада тарих таълимида узвийликни таъминлашнинг асосий тамойиллари методлари ва педагогик усуллари ва воситаларининг шаклланиш жараёни ва унинг методик ва педагогик жиҳатдан асосланиши таҳлил қилинган.

**Калит сөзлар:** тарих фани, методика, педагогика, методик усуллар, тарихий узвийлик, таълимий изчиллик.

Тарих дарсларида ўзлигимизни англаш хусусида ган борар экан, авваламбор, тарих ўқитувчисининг ўз мутахассислигига булган эътиқоди кучли бўлиши керак. Одатда, умумтаълим мактаблари, ўрта махсус таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси аъзолари бир вақтда ҳам Ўзбекистон тарихи ҳам Жаҳон тарихи, «Шахс ва жамият» ва «Миллий ғоя ва мафкура» фанларидан дарс бериб келадилар. Шуни ҳисобга олиб, муаллифлар Ўзбекистон тарихидан ташқари Жаҳон тарихи, «Шахс ва жамият» фани, «Миллий ғоя ва мафкура» фанидан ҳам тажрибада синааб кўрилган ва кўпгина педагоглар томонидан маъқулланган дарс ишланмаларини ҳам тавсия этилади.

Фанлараро, курслараро ва фан ичидағи ўзаро алоқаларни ўрнатиш зарурлиги масалаларига буюк педагог олимлар, жумладан, Я.А.Коменский, Ж.Локк, И.Г.Песталоцци, А.Дистервег, И.Ф.Герберт, О.Вильман, К.Д.Ушинскийлар жиддий эътибор бериб келган. Улар бу муаммони тўғри ҳал этилиши пухта ва тизимлашган билим асосларини шакллантириш омили деб ҳисоблаган. Чунки, тарихий босқичларда тўпланган билимларни ўзига хос равишда жамлаган фалсафа фанидан кейинчалик, хусусан уйғониш даврида, инсоният билимларининг гуркираб ривожланиши шароитида мустақил фан тармоқлари ажралиб чиқа бошлаган.

Натижада, фанларни табақалаштириш жараёни бошланиб, бу ўз навбатида мактаб фанлари орасидаги табиий, диалектик алоқаларга катта салбий таъсир кўрсатган. Буни табиатдаги нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро боғлиқлиги ва ўзаро муносабатлари (бутун борлиқ мувозанатдан, яъни ўзаро боғлиқликдан иборат эканлиги) ҳақидаги билимларга қаршилик қилиш билан асослаш мумкин<sup>1</sup>.

Узлуксиз таълим жараёни илмий-педагогик тамойилларга амал қилгандагина ўз олдига кўйган мураккаб муаммоларни еча олади. Таълим жараёнини мақсадга мувофиқ ташкил қилиб, дарс самарадорлигини ошириш учун эса энг муҳим, ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган тамойилларини белгилаб олмок зарур. Бу тамойиллар таълим-тарбиянинг давр талабига мослиги, педагогик жараёнда объектив ва субъектив жараёнларнинг уйғунлиги, таълим-тарбияда мақсад, мазмун, метод ва воситаларнинг бирбири билан боғлиқлиги каби педагогиканинг умумий қонуниятлари ҳамда маълум ва машҳур принципларидан фойдаланиб, тадқиқотнинг методологик асослари, тарих таълимнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобига олинган ҳолда аникланди. Натижада, тарих таълимида курслараро узвийликни таъминлаш воситасида таълим самарадорлигини ошириш учун қуйидаги тамойилларни муҳим, деб ҳисоблашга имкон берди<sup>2</sup>.

Тарих фанларини курс, булимлараро узвийлика ўрганиш бир катор алоҳида аҳамиятга эга вазифаларни бажаришни тақозо этади. Биринчи навбатда жаҳон ва Ўзбекистон тарихи курслариаро узвийликни таъминлаш масаласининг педагогик назария ва таълим амалиётидаги ҳолатини назарий таҳлил қилиш лозим. Тарих таълимида курслараро боғланишлар воситасида таълим самарадорлигига эришишнинг илмий-педагогик тамойилларини аниклаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Умумий ўрта таълим мактабларининг жаҳон ва Ўзбекистон тарихи дарсларида курслараро узвийликни таъминлашга қаратилган мақсадга мувофиқ методик шакл ва усулларнинг таълим самарадорлигини оширишдаги аҳамиятини илмий асослаш ва курслараро алоқа асосида ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш кўнижасини ривожлантирувчи турли методик тавсияларни ишлаб чиқиш муаммонинг ечимига нисбатан самарали усул ҳисобланади. Бундан ташқари тарих фанларини ўқитиш жараёнлари ва дарсдан ташқари машғулотларда курслараро боғланиш орқали ўқувчиларда тарихий билимлар узвийлиги, миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигини шакллантирувчи самарали воситаларни белгилаш ҳам мумкин. Тарих фанларини курслараро узвийликда олиб боришида тарихий, педагогик, психологик ва методик тадқиқотлар ва шунга мувофиқ адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш методларидан фойдаланилади. Таълим амалиёти ва унинг методик таъминотини кузатиш, дарсларни таҳлил қилиш, ўқитишнинг оммавий ва индивидуал тажрибаларини умумлаштириш методлари ҳам катта аҳамиятга эга.

**Тарихни курслараро боғлаб ўрганишнинг ўқувчилар ёши, психологик хусусияти ва савиясига мослиги тамойили.** Бу тамойил тарихий материални ўқувчилар томонидан тўлиқ ўзлаштиришлари нуқтаи назардан уларнинг индивидуал ва ёш хусусиятлари, билим даражаси доирасидан келиб чиқиб иш олиб боришига имкон беради. Чунончи, 11-13 ёшли болалар ақлий фаолиятида билишнинг зарурий шарт-

<sup>1</sup> Тўраева А. Тарих фанларини курслараро узвийлик асосида амалга оширишга қўйиладиган талаблар. <https://cyberleninka.ru/article/n/tarikh-fanlarini-kurslararo-uzviylik-asosida-amalga-oshirishga-yiladigan-talablar>.

<sup>2</sup> Маҳкамов С.Т. Тарих таълимида курслараро узвийликни таъминлашнинг дидактик асослари (7-синф тарих курслари мисолида). – Тошкент. 2005.

шароитларидан бири ҳисобланган аниқ тарихий образ-тасаввур устунлик қилиши педагогик тадқиқотларда аниқланган. Бинобарин, иккала тарих курсидаги тарихий шахслар ва фактларни ёрқин образлар билан боғлаб олиб бориш, тарихий билимларни онгли ва пухта ўзлаштириш, ўқувчиларда ижобий ҳиссиётлар уйғотиш шартларидан биридир. Бу эса ўз навбатида таҳлилнинг олий шакли –абстракт мушоҳадаги ўтиб бориш учун шарт-шароит яратади. Абстракциялаш орқали, яъни ҳодисаларнинг умумий белгиларини фикран ажратилиб, шу ҳодисанинг муҳим бўлмаган хусусиятлари ва белгиларидан айрим ҳолда тасаввур этиш йўли билан синтезлашнинг олий шакли – умумлаштириш сари борилади.

Белгилар ва хусусиятларни умумлаштириш асосида тарихий тушунчалар таркиб топади. Тушунчалар эса тарихий ҳодисаларнинг умумий, муҳим хусусиятлари, боғланиш ва муносабатларнинг инсон онгида акс этишидир.

**Тарих таълимининг узвийлиги ва узлуксизлиги тамойили** тарих ўқув предмети мазмунининг узвийлигини ўрнатишида муҳим ўрни тутади. Бу тамойил дидактиканинг муҳим принципи – оддийдан мураккабга, номаълумдан маълумга қараб бориша ва олдинги ўзлаштирилган билимларга таянган ҳолда кейингиларини ўзлаштиришга тайёрлаш омили сифатида кириш, умумлаштирувчи- такрорлаш дарсларини ўтказишга масъулиятни оширади. У ДТС, ўқув режалари, дастурлар, дарсликларда материалларнинг бир-бири билан мантиқий боғлиқ бўлишини, таълимнинг ҳар бир босқичида маълум даражада билим кўнкима ва малакаларни шакллантиришни талаб қиласи ҳамда ёшлар тарихий онгининг шаклланишига мувофиқ тарзда фан ютуқларини ўзлаштириб боришни таъминлади. Умуман, тарихий материални хронологик изчилликда баён қилиниши ўқувчилар тарихий билимларини системалаштириб, унинг узвийлигини таъминлаш билан бирга янги тарихий фактларни яхшироқ ўзлаштиришга хизмат қиласи. Шунингдек, тарихий жараёндаги янги фактнинг ўрнини аниқлашга, уни тарих билимлари тизимига киритишга ёрдам беради. Бу тамойил иккала тарих курсини ўзаро алоқадорликда ўрганишда тарихий материаллар бир-бирини такрорламаган ҳолда, узвий равишда бирбирини тўлдиришини назарда тутади.

Маълумки, совет тарихшунослиги ҳукмрон коммунистик мафкура билан қуролланиб бутун ўтмишимизни сохталашиб юборганди. Мозийни асосан уруш ва хунрезликдан иборат қилиб кўрсатиш билан тарихий илмий ҳақиқат атайлаб бузиб ташланган эди. Шунинг учун ўрганиладиган тарихий материал илмий асосланган, ишончли ва аниқ бўлиши, воқеа-ходисалар ўзаро боғланиш ва ривожланишда ёритилиши зарур. Бинобарин, тарих ҳақиқати бу конкрет воқеалар, аниқ ҳодисалар ва муносабатлар мажмуидан иборат бўлиб, тарихда рўй берган воқеа қандай юз берган бўлса, уни шундай ёритиш керак. Бу тамойил ҳаққоний тарихни билиш асосида ўзликни англашга ундаиди.

**Илмий дунёқарашни шакллантириш тамойили.** Дунёқараш инсонинг дунёни маълум даражада тушиниши, англаши, билиши, баҳолаши ва шулар асосида амалий ўзлаштириши бўлиб, у инсонни дунёни бир бутун ёки турли-туман ҳолда кўриши, идрок этиши, тасаввур қилиши, инсоннинг дунёдаги ўз ўрин ва ролини белгилашибидир. Жамиятнинг ривожланиб бориши билан инсоннинг амалий билиш фаолияти ҳам ривожланиб боради. Дунёқараш бутун инсоният ҳаёти шароитини англаб олишини ҳам, бутун қадриятлар системасини ҳам, ўтмиш образлари, ҳозирги реалликларни, келажакнинг мўлжалларини ҳам ўз ичига олади. Ҳар бир кишининг ўз

ҳаётий фаолияти ва тараққиётида маълум дунёқараш шаклланиб, тўлиқ ташкил топган пайтдагина у шахс бўла олади.

## **Фойдаланилган Адабиётлар Рўйхати**

1. Тўраева А. Тарих фанларини курслараро узвийлик асосида амалга оширишга қўйиладиган талаблар. <https://cyberleninka.ru/article/n/tarih-fanlarini-kurslararo-uzviylik-asosida-amalga-oshirishga-yiladigan-talablar>.
2. Маҳкамов С.Т. Тарих таълимида курслараро узвийликни таъминлашнинг дидактик асослари (7-синф тарих курслари мисолида). – Тошкент. 2005.
3. Бабанский Ю.К. Ҳозирги замон умумий таълим мактабларида ўқитиш методлари. -Т.: Ўқитувчи, 1990.